



doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a27

ИҚТИСОДЧИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФАЛСАФА ДОКТОРИ БЎЛАДИ? ЁКИ ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Ҳамроев Ҳалим Ражаб ўғли -
Бухоро давлат университети профессори,
иқтисод фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада фалсафа ва хусусий фанлар ўзаро муносабатлари, фалсафанинг хусусий фанларга нисбатан вазифалари, уларга таъсири ва улар устидан рефлексияси ёритилган. Иқтисодиёт фани ва тадқиқотининг умумий асослари ва фалсафий асослари, фалсафий муаммолари ва уларнинг таснифи, тузилмаси, вазифалари тадқиқ қилинган. Иқтисодиёт фани ва тадқиқотининг фалсафий асослари, уларнинг моҳияти, ўрни ва роли, турлари ва вазифалари батафсил кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: фалсафий рефлексия, фалсафий кўз, оламнинг илмий манзараси, фан (тадқиқот) идеаллари ва меъёrlари, фалсафий муаммолари, фалсафий асослари, иқтисодий антология, гносеология, методология, мантиқ, аксиология, праксиология, эпистемология, эвристика, иқтисодий борлиқ, иқтисодий макон, иқтисодий замон, иқтисодий одам.

КАК ЭКОНОМИСТ СТАНОВИТСЯ ДОКТОРОМ ФИЛОСОФИИ? ИЛИ ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

Ҳамраев Ҳалим Ражабович -
профессор Бухарского государственного
университета, кандидат экономических наук

Аннотация. В статье освещены взаимоотношения философии и частных наук, задачи философии по отношению к частным наукам, ее воздействие на них и рефлексия над ними. Исследованы общие основания, философские проблемы и философские основания экономической науки и экономического исследования, их классификация, структура, задачи. Подробно освещены философские основания экономической науки и экономического исследования, их сущность, место и роль, виды и задачи.

Ключевые слова: философская рефлексия, философский глаз, научная картина мира, идеалы и нормы, философские проблемы, философские основания исследования, экономическая онтология, гносеология, методология, логика, аксиология, праксиология, эпистемология, эвристика, экономическое бытие, экономическое пространство, экономическое время, экономический человек.

HOW DOES AN ECONOMIST BECOME A PHD? OR PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF ECONOMIC RESEARCH

Khamraev Khalim Rajabovich -
professor of Bukhara state university,
economice PhD

Abstract. The article highlights the relationship between philosophy and the special sciences, the tasks of philosophy in relation to the special sciences, its impact on them and reflection on them. The general bases, philosophical problems and philosophical bases of an economic science and economic research, their classification, structure, tasks are investigated. The philosophical foundations of economic science and economic research, their drying, place and role, types and tasks are covered in detail.

Key words: philosophical reflection, philosophical eye, scientific picture of the world, ideals and norms, philosophical problems, philosophical foundations of research, economic ontology, gnoseology, methodology, logic, axiology, praxiology, epistemology, heuristics, economic being, economic space, economic time, economic man.

Кириш. Ренессанс, аввалимбор, илм-фанда фундаментал туб ўзгаришларда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илм-фан намояндалари билан учрашувда: “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанны ҳам янги босқичга қўтаришни талаб қўймоқда. Зотан жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин”, – деб таъкидлаган эди [1, 1 б.]. Илм-фанны янги босқичга қўтариш ҳар бир фаннинг ўз моҳияти ва фундаментал асосларининг янада чуқурроқ қат-

ламларига кириб, янги-янги хоссалари ва имкониятларини очиб, таъсиранлик ва яратувчаник қудратини жиддий кучайтириш демакдир. Ҳозирги замон мураккаб, тез ҳаракатчан иқтисодий ҳаёт ва тараққиёт, иқтисодий интеграция ва глобаллашув, республикада иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга ошириш иқтисодиёт фани (иктисодий назария ва хусусий иқтисодий фанлар) олдига шундай талабларни қўймоқда. Бу эса иқтисодиёт фанининг ўз асослари, айниқса, фалсафий асосларини тубдан ривожланти-

риш ва кучайтиришни тақозо этади. “Хозирги замон фанининг назарийлашуви ва диалектикалашуви муҳим аҳамият касб этмоқда. Фаннинг диалектикалашуви ҳозирги даврнинг муҳим қонуниятига айланмоқда ва илмий билимнинг барча соҳаларига, барча фанларга тобора кенг кириб бормоқда” деган хуласа ҳам шунга ишора қиласди [2, 11-12 б.].

Мазкур муаммони республикада илмий даражалар беришнинг биринчи поғонасида барча фанлар бўйича диссертация ҳимоя қилган тадқиқотчиларга **falсафа доктори** илмий даражасини бериш тизимининг жорий этилиши янада кескинлаштириб юборди. Бундай янги тартиб барча фанлар бўйича илмий ходимлар, айниқса, ёш тадқиқотчилар, ўз фанлари ва тадқиқотларининг фундаментал асослари, шу жумладан, фалсафий асосларига эътиборни кучайтиришни талаб қиласди. Биз ана шундай объектив талаблардан келиб чиқсан ҳолда иқтисодиёт фани билан фалсафанинг ўзаро муносабатлари, иқтисодиёт фани ва тадқиқотининг умумий асослари ва фалсафий асосларини чуқурроқ таҳлил қилиб, уларнинг табиати, моҳияти, таркиби, хоссалари, хусусиятлари, вазифалари, ўрни ва роли, имкониятлари ва улардан назариёт ва амалиётда фойдаланиш йўлларини аниқлашга ҳаракат қиласди.

Адабиётлар таҳлили. Биз адабиётларни икки гурухга – фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабатларига ҳамда илмий тадқиқот методологиясига бағишлиланган адабиёларга бўлиб таҳлил қилиб чиқдик. Биринчи гурухдан ўрин олган рус муаллифлари В.С.Степин ва С.А.Лебедевнинг китоблари бир хил – “Фан фалсафаси: умумий муаммолар” деб номланади, аммо улар мазмунан анча фарқ қиласди. Биринчисида [3] илмий революциялар, фалсафа ва фан муносабатлари, фалсафанинг фан ва маданият устидан рефлексияси, фан фалсафаси предмети ва ривожланиш босқичлари, фан асослари ва илмий билим тузилемаси, илмий тадқиқотнинг эмпирик ва назарий даражалари, ривожланган назария тузиш мантиқига; иккинчисида эса [4] фан фалсафаси тарихи, предмети ва тузилмаси, фан фалсафаси эпистемология сифатида фаннинг фалсафий ўлчамлари, асослари ва муаммолари, уларнинг табиати ва тузилмаси, илмий билимнинг ижтиёмий табиати, ривожланиш қонуниятлари ва тузилмаси, илмий ҳақиқат (чинлик) ва унинг мезонларига эътибор қаратилган. А.Н.Ракитов “Фаннинг фалсафий муаммолари” номли монографиясида [5] фанни эпистемологик идеал ва амал қилувчи тизим сифатида қараб чиқиб, фалсафий ва илмий билимларни чегаралаш, фаннинг фалсафий муаммоларини таснифлаш, илмий тадқиқот тузилмаси ва уни методологик ташкил этиш, билимнинг илмийлиги ва янги-

лиги мезонлари, илмий билимнинг генезиси ва адекватлиги, илмий назария шакллантиришда фалсафа, методология, математиканинг ролини ёритган.

Қ.Назаров муҳаррирлигидаги чиқсан “Фалсафа асослари” қўлланмасида[6] фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабатлари ва таъсири, фалсафа категориялари, принциплари, қонунларининг барча илмий йўналишларда билиш ва янги назариялар яратишда иштирок этиши, умумий нормалар сифатида энг юқори даражадаги методологик дастур ва ҳақиқат мезони вазифасини бажариши, фалсафа ва фаннинг умумий жиҳатлари ва фарқлари, фаннинг ривожланиши ва янги хусусиятлар орттириши унинг ижтиёмий онг тизимидағи ўрни ва аҳамиятини янгича тушунишни тақозо этиши таъкидлаб ўтилган.

Ўзбек тилида чиқсан “Фаннинг фалсафий масалалари” номли ўқув қўлланмаларнинг бирида [2] фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабатлари, фаннинг фалсафий муаммолари ва уларнинг фанда намоён бўлиши, фан фалсафаси ва иқтисодиёт фалсафаси, фалсафа ва иқтисодиёт фани билиш функцияларининг бирлиги ва фарқлари, фалсафа иқтисодий соҳадаги ижтиёмий муаммоларни, иқтисодиёт фани эса иқтисодий муносабатларни ўрганиши, иқтисодиёт объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсирида амал қилиши ва ривожланишига эътибор қаратилади. Иккинчи қўлланмада [7] фалсафа фан методологияси сифатида фан фалсафаси ва иқтисодиёт фанининг фалсафий муаммолари, иқтисодий фанларнинг ўзаро муносабатлари, иқтисодий назария иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари, томонлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва таъсирини аниқлаб, умумий тушунчалар ва қонун-қоидалар шакллантириб, хусусий иқтисодий фанларга назарий ва услубий йўналиш бериб, улар учун асос, пойдевор бўлиб хизмат қилиши тўғрисида фикр юритилади.

Адабиётларнинг иккинчи гуруҳидан М.Ю.Предеинанинг “Иқтисодиёт фалсафаси” ўқув қўлланмаси [8] олдин иқтисодиётнинг ўзини, сўнг эса уни билиш муаммоларини кўриб чиқиши билан эътиборга моликдир. Қўлланманнинг биринчи бўлимида иқтисодиёт фалсафасининг антологик муаммолари, яъни иқтисодий борлиқ, унинг диалектикаси ва қонунлари, уларнинг объективлиги, зарурий ва тасодифий намоён бўлиш диалектикаси, иқтисодий макон ва замон, иқтисодий субъектларнинг эркинлиги ва зарурийлиги диалектикаси; иккинчи бўлимида эса иқтисодиёт фалсафасининг гносеологик муаммолари – иқтисодий борлиқни билиш диалектикаси ва унинг қонунларини излаш методологияси, иқтисодий фанлар қонунларининг хусусиятлари ва функциялари, иқтисодий билим-

ларнинг иқтисодий борлиққа адекватлиги мезонлари ёритилган. В.А.Канкенинг “Иқтисодиёт фани фалсафаси” дарслигига [9] фалсафий нуқтаи назардан иқтисодиёт фанининг назарий нисбийлик, концептуаллик, қадриятлар ва мақсадлар, қадриятлар иерархияси ва автономлик, самарадорлик, иқтисодий масъуллик, илмий-техникавий тузум, баҳсли масалалар каби принциплари, иқтисодий назария асослари, илмий ва ноилмий билимлар ҳамда позитив ва норматив назариялар мутаносиблиги, иқтисодиёт фани ва иқтисодиёт фалсафаси предметлари, иқтисодий назарияда юз берган революциялар ва унинг методологияси эришган чўққилар таҳлил қилинган. “Иқтисодиётнинг фалсафий муаммолари” номли ўқув қўлланмада [10] фалсафий-иқтисодий ғояларнинг ривожланиш босқичлари, иқтисодиёт фалсафаси ва унинг тузилмаси, хўжалик фалсафаси, иқтисодиёт фанининг методологик муаммолари, иқтисодиёт ва одам каби масалалар кўриб чиқилган.

Бевосита иқтисодий методологияга бағланган адабиётлардан И.П.Сусловнинг “Иқтисодий тадқиқот методологияси” номли монографияси [11] муҳим ўрин эгаллайди. Унда иқтисодий фан предмети, услуби, методологияси ва назарияси, уларнинг вазифалари ва ўзаро алоқалари, иқтисодиётни тадқиқ қилишда фалсафа категориялари, принциплари ва қонунларининг роли, иқтисодий қонунлар, қонуниятлар, категориилар ва уларнинг ўзаро боғлиқлик ва ривожланиш принциплари, илмий услуг даражалари, диалектик-мантиқий ва гносеологик принциплар ва категориялар – услубнинг асоси ва юқори даражаси, услубнинг умумилмий даражаси ва усувлари кўриб чиқилган. И.А.Болдырев ўзининг “Иқтисодий методология бугун” номли илмий мақоласида [12] иқтисодий методологиянинг мазмуний ва институционал тавсифи, функциялари, ҳозир замон иқтисодий методологиянинг ривожланиш асосий чўққилари, иқтисодиёт фани фалсафаси ва методологиясида К.Поппер ва И.Локатош ғоялари, иқтисодий методологияда янги тенденциялар, иқтисодий методология дилеммаларини таҳлил қиласди.

Тадқиқот методологияси. Фан фалсафаси, фанинг фалсафий асослари ва муаммолари, иқтисодиёт ва хўжалик фалсафаси, иқтисодиёт фани ва методологияси эволюцияси, иқтисодиёт фанининг фалсафий масалалари, илмий ва иқтисодий тадқиқотлар методологияси бўйича илмий тадқиқотлар ва адабиётларни ўрганиш, илмий фактлар, фикрлар, хуносаларни ҳар томонлама тадқиқ қилишда қиёслаш, аналогия, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстрактликдан конкретликка ва конкретликдан абстрактликка юксалиш каби усувлар, тарихий

ва мантиқий, тизимий, тузилмавий-функционал ёндашувлар кенг қўлланилди.

Фалсафа ва иқтисодиёт фанининг ўзаро муносабатлари. Тараққиётнинг маълум тарихий босқичида фалсафадан мустақил фанлар ажralиб чиқиб, ҳар бири ўз мазмуни ва инсоният билиш маданиятида алоҳида мақомини шакллантириб, мустақил ривожланиб келган. Аммо фан ва фалсафа борлиқни билишнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ икки томони бўлиб, бирбирига муҳтож ва бир-бири билан ўзаро алоқада ва таъсирда амал қиласди, ривожланади. “Фалсафа ва фан кенгроқ реаллик – маданиятнинг органик элементлари бўлиб, ... шу маданият доирасида бир-бирига таъсир қиласди” [10, с. 18]. Фан табиат, жамият, тафаккурни билиш ва улар тўғрисида янги билимларни ишлаб чиқиши билан, фалсафа эса борлиқнинг умумий жиҳатларини алоҳида фанларнинг мазмунидан чиқариб олиш билан шуғулланади. Фалсафа фанларнинг илмий натижаларидан озиқланадиган умуминсоний ва универсал билим тармоғи бўлиб, дунёқарашли ва методологик йўналтuvчи сифатида фанларнинг ижтимоий-ахлоқий маъно-мазмунини белгилайди, фанлар эса фалсафанинг мазмуний базасини ташкил этади ва ўз тадқиқотлари янги натижаларини фалсафий англашга муҳтож. Фалсафа ўз мақомига кўра барча фанлар, билим соҳалари учун икки асосий функцияни – дунёқарашли ва методологик ҳамда уларни кенгайтирувчи, тўлдирувчи, аниқлаштирувчи яна бир қанча (антологик, гносеологик, эпистемологик, эвристик, мантиқий, аксиологик, практиологик) функцияларни бажаради.


Немис классик фалсафаси асосчиси Иммануил Кант фикрича, фан доимо икки хатарли “касалликка” чалинган бўлади: биринчisi, фикрлаш горизонтининг торлиги ва тафаккурнинг бир ёқламалиги, иккинчisi эса олий маъно-мазмуннинг, муносиб мақсаднинг йўқлигидир. Айнан шу сабабли хусусий фанлар “олий фалсафий назорат”га муҳтож ва бундай назорат фанинг бир ёқламалиги олдини олади ҳамда универсалликка даъвосидан маҳрум қиласди [13, с. 122]. Аммо ёмон фалсафа, В.Гейзенберг фикрича, яхши физикани илдизигача қуритади [6, 200 б.]. Бу фикрлардан келиб чиқадики, фалсафа хусусий фанларга жиддий, кучли таъсир кўрсатади, уларга нисбатан устуворликка эга бўлиб, умумий методология сифатида уларга маълум йўналиш беради.

Иқтисодиёт фани ҳам фалсафа бағрида туғилган, сўнг ундан ажralиб чиққан, аммо фалсафа билан ўзаро боғлиқликда амал қилиб, ривожланиб келмоқда. Лекин улар бевосита эмас, балки муайян бўғинлар ва методологиялар орқали билвосита боғлиқ. Иқтисодиёт фани ва фалсафанинг ўзаро боғлиқлик ришталарини турли

муаллифлар турлича кўрадилар ва ифодалайдилар: айримлари фан фалсафаси, фаннинг фалсафий муаммолари ва фаннинг фалсафий асосларини фалсафа ва фанни ўзаро боғловчи уч алоҳида бўғин деб қараса [14, с. 31-35], иккинчилари, фаннинг фалсафий муаммолари фан фалсафасини ташкил этади деб, уларни бирлаштириб юборади [5, с. 22].

Бизнингча, фаннинг фалсафий муаммолари ва фалсафий асослари фан фалсафасининг

икки ўзаро боғлиқ йўналиши ҳисобланади, яъни уларнинг мажмуи фан фалсафасини ташкил этади. Бироқ улардан фаннинг фалсафий асослари фаол тусга эга бўлиб, фалсафа, асосан, улар орқали амал қиласди ва фанга таъсир кўрсатади, шу жумладан, фаннинг фалсафий муаммоларини ҳал этишда ҳам иштирок этади. Уларнинг ўзаро алоқаси ва таъсири фаннинг фалсафий асослари ва фалсафанинг илмий асослари ўтасида ва кўринишида юз беради.



1-расм. Иқтисодиёт фани фалсафаси ва асослари

Иқтисодиёт фани фалсафаси фалсафа ва иқтисодиёт фани билимларининг фанлараро синтези бўлиб, фалсафа категориялари, принциплари, қоидалари, ғояларининг иқтисодиёт фани (тадқиқоти), унинг билимларини таҳлил қилиш ва тушуниш учун қўлланишидир. У иқтисодиёт фани билимлари ва натижаларининг маданий қадр-қиммати ва маълум даврда иқтисодий назариялар билан инсонлар дунёқараши ўртасидаги алоқаларни тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган фалсафий-иқтисодий илмий йўналишdir. Унинг предмети иқтисодиёт фани ва унинг барча фалсафий жабҳалари (билиш, амалий, ижтимоий, маданий, методологик, антологик, аксеологик, праксиологик ва ҳоказо), мақсади эса иқтисодиёт фанининг моҳияти, умумий тузилмаси, ривожланиш қонуниятларини очиш, фалсафа билан ўзаро алоқалари, фалсафий асослари ва фалсафий муаммоларини таҳлил ва реконструкция қилишdir.

Иқтисодиёт фанининг фалсафий муаммолари билимнинг фалсафа ва иқтисодиёт фанининг айрим ҳолатлари ўртасидаги диалектик қарама-қаршиликнинг фанлараро тури бўлиб, уларни ҳал этиш иқтисодий ва фалсафий ёнда-

шувлар бирлигини талаб қиласди. Фаннинг фалсафий муаммолари турли адабиётларда турлича таснифланган ва ифодаланган. Биз шу масалага бағишиланган маҳсус монографияда [5, с. 20] келтирилган таснифга асосланиб, иқтисодиёт фани фалсафий муаммоларини қўйидаги уч гуруҳга ажратиб, кўриб чиқиш маъқул, деб ҳисоблаймиз:

1) фалсафадан фанга ўтиб, фанда қўлланиладиган фалсафий категориялар, принциплар, қоидаларнинг фан билимларининг уларга мос келмайдиган ўзига хослиги билан тўқнашувидан юзага келадиган муаммолар иқтисодиёт фанининг моҳияти, амал қилиш қонунлари ва ривожланиш қонуниятлари, тушунчалари, назариялари ва тадқиқот натижаларини фалсафий таҳлил қилиш, баҳолаш, тушунтириш муаммолари бўлиб, улар иқтисодиёт фанидан ижтимоий фойдаланганда вужудга келади ва муҳокамалар характери, уларни ечиш йўлларини белгилаб берадиган фалсафий-дунёқарашли ёндашувни талаб қиласди;

2) иқтисодиёт фани ичидаги юзага келадиган ва фалсафий англашни талаб қиласдиган ўз муаммолари тадқиқотларда учрайдиган маҳсус

билиш тузилмалари, тартиботлари, ҳаракатларининг билиш жараёнидаги мақоми, олинган натижаларни фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, баҳолаш ва билиш назариясига тааллуқли муаммолар бўлиб, улар билиш фаолиятида янги усуллар, ностандарт тартиботларни қўлаш ёки яратиш талаб қилинганда вужудга келади;

3) иқтисодиёт фани ва фалсафанинг ўзаро таъсиrlари муаммолари фалсафанинг иқтисодиёт фани ривожига таъсир қилиши ва иқтисодиёт фанининг унга иқтисодий борлиқ тўғрисида бой ахборот тақдим этиши айрим четда қолиб келган жиҳатларни ҳам ўрганиш имконини беради; таъкидлаш жоизки, илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, фалсафий принциплар, дунёқарашли йўналтувчилар, методологик концепциялар хусусий фанларга тасаввур қилинганидан кўра кучлироқ ва кескинроқ таъсир этаркан. Бу ҳолат юқорида келтирилган В.Гейзенберг фикридан ҳам кўриниб турибди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт фанининг фалсафий муаммолари маълум фалсафий қараш ва концепция доирасида кўйилади, муҳокама қилинади ва шунинг учун уларнинг турлари, тасвирланиши, мазмuni кўп жиҳатдан ана шу фалсафий қараш ва концепцияга боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт фани асослари. Иқтисодиёт фани асослари фанни иқтисодий борлиқ билан боғловчи, тадқиқот стратегиясини белгиловчи, билимларни яхлит тизимга уюштириб, фаннинг предметли соҳаси яхлитлиги ва билимларни маълум тарихий давр маданиятига киритишни таъминловчи фундаментал ғоялар, тасаввурлар, тушунчалар, принциплар, қоидалар мажмуидир. Улар қўйидаги вазифаларни бажаради:

1) фаннинг фундаментал тадқиқот дастури сифатида муаммони қўйиш ва уни ҳал этиш воситаларини аниқлаш;

2) иқтисодиёт фанининг турли-туман назарий ва эмпирик билимларини яхлит тизимга бирлаштириб, билимлар тизимини ҳосил қилиш;

3) фанлараро ўзаро таъсир ва синтез стратегиясини белгилаш;

4) маданиятнинг бошқа соҳалари билан фан ўртасида воситачи бўғин бўлиб хизмат қилиш;

5) назарий ва эмпирик билимлар шаклланисига ижтимоий-маданий омиллар таъсирини аниқлаш;

6) илмий ютуқларнинг тегишли тарихий давр маданиятига тескари таъсирини баҳолаш.

Бир қатор муаллифлар фан асосларини учқисмага ажратадилар, аммо уларни турлича ифодалайдилар: айримлари уларни тадқиқот идеаллари ва меъёрлари, оламнинг илмий манзараси

ва фаннинг фалсафий асослари [3, с. 191], иккинчилари фаннинг ички асослари (фан идеаллари ва меъёрлари), фаннинг ташқи асослари (фан объекти ва бирламчи маълумотлар манбаи сифатида амалиёт) ва фаннинг фалсафий асослари [15, с. 497], учинчилари эса илмий билиш идеаллари ва меъёрлари, оламнинг илмий манзараси ва фаннинг фалсафий асослари [16, с. 382-384] деб эътироф этадилар. Шу фикрларга таянган ҳолда, биз иқтисодиёт фани асосларини уч гуруҳга ажратиб кўриб чиқамиз (бу ҳолат юқоридаги чизмада ҳам акс эттирилган).

Иқтисодиёт фани асосларининг биринчи гуруҳи унинг идеаллари ва меъёрлари бўлиб, улар илмий фаолиятнинг мақсади ва усуллари тўғрисидаги тасаввурлар ифодаси бўлиб, услубнинг умумлашган схемасини ташкил этади. Идеал тасаввур, тушунча, факт, ғоя, назария, услуг ва усул каби билим шакллари бўлиб, мақсадга мувофиқ йўналтувчи вазифасини бажаради. У объективлик ва субъективлик бирикмасидан иборат бўлиб, олим ўз фаолиятида мўлжал қилиб оладиган қадриятдир. Меъёр шу қадриятга асосланган талаб, кўрсатма, мажбурий ақида шаклидаги фаолият ва хатти-ҳаракат қоидаси бўлиб, унга қонун, қонуният, принцип, қоида каби билим шакллари киради ва тартибга солиш вазифасини бажаради.

Фан идеаллари ва меъёрлари тарихий ривожланиш маълум даврида ижтимоий ҳаёт учун фаннинг роли ва қадр-қимматини қайд этувчи, илмий ходимлар ва жамоаларнинг ўзаро ва бутун жамият билан муносабатлари ва коммуникация жараёнини бошқарувчи ижтимоий меъёрлардир. Улар аниқ тарихий характеристерга эга бўлиб, бир даврдан иккинчисига, бир маданиятдан бошқасига ўтганда ўзгариб боради. Лекин фан учун бош қадрият ҳақиқат, чинлик доимо асосий мезон-мақсад бўлиб, ўзгармай қолади.

Фан идеаллари ва меъёрлари мазмуни жиҳатдан уч даражага ажратилади:

1) ҳар қандай фан, илмий тадқиқот учун умумий бўлган ва фанни билишнинг бошқа шаклларидан фарқлайдиган идеаллар ва меъёрлар;

2) тараққиётнинг ҳар бир босқичида адаптация қилиниб, фанга хос бўлган йўналтувчилар шаклига келтирилган ва шу даврнинг фикрлаш тарзини ифодалайдиган идеаллар ва меъёрлар;

3) ҳар бир аниқ фан, тадқиқот предметининг хусусиятларига мослаштириб, аниқлаштирилган идеаллар ва меъёрлар.

Иқтисодиёт фани асосларининг иккинчи гуруҳи иқтисодий борлиқ ва тадқиқот объектининг илмий манзарасидир. Ўрганиладиган объектнинг асосий тизимий тавсифларини акс эттирадиган тадқиқот предметининг умумлаш-

тирилган схемаси – образи мұхым ақамият касб этади. У тадқиқот вазифаларини қўйиш ва уларни ҳал қилиш воситаларини танлашни йўналтирувчи дастур сифатида амал қиласи ва билимларни тегишли фан доирасида тизимлашни таъминлайди. Фан (тадқиқот) обьектининг илмий манзараси қўйидагича тавсифланади:

1) иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар мажмудан иборат иқтисодий борлиқ;

2) ўрганиладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар типологияси;

3) уларнинг ўзаро алоқаси ва таъсири қонуниятлари;

4) иқтисодий борлиқнинг маконий-замоний тузилмаси тўғрисидаги тасаввурлар.

Шундай қилиб, умумий ҳолда тадқиқот обьектининг илмий манзараси тадқиқот обьектининг схемаси (образи)ни, тадқиқот идеаллари ва меъёрлари эса тадқиқот услубининг схемаси (образи)ни ташкил этиб, тадқиқотни асослаш, режалаштириш, амалга оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қиласи.

Иқтисодиёт фани (тадқиқоти)нинг

фалсафий асослари. Иқтисодиёт фани асосларининг учинчи мұхым гурухини унинг фалсафий асослари ташкил этади. Улар ўрганиладиган борлиқнинг характеристири ва тузилмаси, илмий билиш услублари, фан ва илмий билимнинг ривожланиш қонуниятлари, илмий фаолиятнинг ижтимоий ва қадр-қимматли пойдевори ҳақидағи умумий тасаввурлардир. Фан (тадқиқот) фалсафий асосларининг шаклланиши ва трансформацияси фалсафий принциплар, қоидалар, ғоялар, усусларни танлаш ва иқтисодиёт фани эҳтиёжларига адаптация қилиш, бошланғич фалсафий категориялар мазмунини аниқлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бу тадқиқотидан нафақат иқтисодий, балки фалсафий иқтидорни ҳам талаб қиласи.

Фан фалсафий асосларининг ўрни, роли, мақоми бўйича адабиётларда ҳар хил фикрлар учрайди. Муаллифлардан бири фаннинг фалсафий асослари метаназарий илмий билимнинг алоҳида қатламини ҳосил қиласи деган бўлса [4, с. 165], иккинчisi, фан асослари фаннинг ички тузилмаси ва унинг маданият билан алоқасини белгиловчи инфратузилмасига тегишли деб таъкидлайди [3, с. 206], яна бошқаси фаннинг фалсафий асослари фан асосларининг таркибий қисми деб ҳисоблайди [16, с. 382-384]. Бизнингча, фаннинг фалсафий асослари фан асосларининг ва демак, фаннинг таркибий қисми ҳисобланади, чунки уларсиз фан асослари ҳам, фаннинг ўзи ҳам тўлиқ, яхлит тизим даражасига эриша олмайди ва улар фандан ташқарида бўлганда ўз функцияларини бажара олмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодиёт фани (тадқиқот)нинг фалсафий асослари

алоҳида ақамиятга ва фундаментал характерга эга. Уларнинг бундай ақамияти ва мақомини бир қатор ҳолатлари ва бажарадиган вазифалари белгилайди.

Ҳолатлари:

1) иқтисодиёт фанининг фалсафий асосларида унинг фалсафа билан ўзаро муносабатларида иштирок этадиган бутун фалсафий воситалари мужассамланган;

2) фалсафий ғоялар, принциплар, қоидалар, категориялар, усуслар иқтисодиёт фани таркибига унинг фалсафий асосларининг элементлари шаклида киради ва амал қиласи;

3) иқтисодиёт фани билан ўзаро таъсирида фалсафа бажарадиган барча вазифаларни фаннинг фалсафий асослари бажаради;

4) иқтисодиёт фани фалсафий муаммолари фаннинг ўзи эмас, унинг фалсафий асослари ёрдамида ҳал этилади;

5) тадқиқот идеаллари ва меъёрлари ҳамда обьектининг илмий манзарасини аниқлаш, шакллантириш, асослаш, адаптациясини ҳам улар амалга оширади.

Вазифалари:

1) ҳар қандай иқтисодий мавзу, муаммо, билимни фалсафий таҳлил қилиш;

2) тадқиқотнинг фалсафий-методологик концепцияси, тузилмаси, тартиботини аниқлаш ва шакллантириш;

3) тадқиқотга фалсафий ёндашувни таъминлаш ва унга умумий мўлжал, фалсафий йўналиш ва руҳ бериш;

4) фактларни назарий, билимларни эса ахлоқий англаш ва талқин қилиш;

5) иқтисодиёт фанининг ўз даври рационал дунёқарashi ва маданияти билан алоқасини таъминлаш;

6) иқтисодий билимларни умумлаштириш ва ягона тизимга келтириб, тегишли давр маданиятига киритиш;

7) билимларни жамият учун тушунарли ва ишлатишига қулай шаклларга келтириш;

8) тадқиқот предметининг тушунчалари, қонунлари, принциплари, назарияларини шакллантириш, таърифлаш, исботлаш ва таҳлил қилиш;

9) тадқиқотнинг эмпирик ва назарий босқичлари ва билимларининг ўзаро муносабатларини белгилаш;

10) фалсафа қонунлари, қонуниятлари, категорияларини методологик воситаларга айлантириб, тадқиқот методологияси ва услубини шакллантириш;

11) тадқиқот предметининг фалсафий мөҳияти, қирралари, хусусиятларини очиб бериш.

Иқтисодиёт фанининг **бош вазифаси** иқтисодий борлиқ тўғрисида чин билимга эришиш бўлса, фалсафасининг **бош вазифаси** шу

чин билимга қандай эришишни, яъни методологиясини таъминлаш ҳисобланади. Методология ва услугуб (метод) фан (тадқиқот)да жуда муҳим роль ўйнайди. Чунки фан, тадқиқот методология ва услугуб билан ҳаракатга келтирилади ва амал қиласи, ривожланади. Фаннинг, шу жумладан, иқтисодиёт фанининг мавжудлиги, яшаши кўпроқ у **нимани** тадқиқ қилишига (**предметига**) эмас, **қандай** тадқиқ қилишига (**услубига**) боғлиқ бўлади. Иқтисодий тадқиқот методологияси ва услуги алоҳида мақолаларда ёритилган [17, 18 б.; 18, 141 б.].

Фан (тадқиқот) предметини зарур дараҷада, ҳар томонлама ўрганиш учун фақатгина иқтисодиёт фани билимлари ва методологик воситалари етарли бўлмайди, уларни фалсафий билимлар ва методологик воситалар билан биргалиқда ўзаро уйғунлиқда маҳорат билан қўллаш талаб қилинади. “Фан файласуфи дунёни олимга қараганда тўлиқроқ ёки чукурроқ эмас, фақат бошқача кўради. Олимнинг мақсади – борлиқнинг бир қисмини адекват тушунтириш, унинг қандай тузилгани ва амал қилишини кўсатиш. Файласуфи эса бу билимларни олиш принциплари, уларнинг аҳамияти, қадр-қиммат даражаси қизиқтиради” [13, с. 122].

И.Кант таъбири билан айтганда, олим ўрганадиган предметига нафақат ўз фани кўзи билан, балки фалсафа кўзи билан ҳам қараши керак, “...нарсаларга бошқа кишилар нуқтаи назари билан қараш учун унга яна битта кўз керак”. Агар унда “фалсафий кўз бўлмаса”, у бир кўзли маҳлуқ каби бўлиб қолади [13, с. 122]. Демак, тадқиқотчи иқтисодий объектнинг **нималигини билиши ва тушуниши** учун иқтисодчи, уни **қандай билиши ва тушуниши** учун эса файласуф сифатида ҳаракат қилиши зарур бўлади.

Масалан, иқтисодиёт фани методологик воситалари билан тадқиқот предметининг муҳим хоссалари, алоқалари, муносабатлари, қонунлари, тузилмаси аниқланганда, бир хил манзара ва имкониятлар очилса, фалсафий методологик воситалар билан предметнинг зиддиятлари ва ҳаракатлантирувчи кучи, ривожланиш спиралининг қайси доирасида эканлиги ва бу доиранинг маконий-замоний белгилари, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш вақти ва оқибатлари аниқланганда, бутунлай бошқача манзара ва имкониятлар очилади. Шу боисдан иқтисодчи ўз предметига фалсафий кўз билан ҳам қарай олмаса, унинг шу даражада очиши мумкин бўлган айрим муҳим қирралари, имкониятлари очилмай қолади ва у ўз олдига қўйган мақсадига тўлиқ эриша олмаган бўлади.

Бундан чиқадики, иқтисодий тадқиқот учун иқтисодий билимлар қанчалик зурур бўлса, фалсафий билимлар ҳам шунчалик зурур ва

муҳимдир. Иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда фалсафани қўллашни уddyалash – иқтисодий тадқиқот муваффақиятининг зарур шарти ва маданиятининг муҳим кўрсаткичи, иқтисодий тафаккур тарзининг асосий хислати ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодий тадқиқот ана шу икки методологик воситалар ва ёндашув – иқтисодий методологик воситалар ва ёндашув ҳамда фалсафий методологик воситалар ва ёндашувнинг уйғунлашган ягона жараёни ва натижаси иқтисодчи-олимга **фалсафа доктори илмий дражасини** бериш сабаби ва асоси ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий ва фан-техника тараққиёти, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, кўзда тутилган инновацион ривожланиш, рақамили иқтисодиёт ва ақлли тизимларни шакллантириш иқтисодиёт фани олдига шундай мураккаб муаммолар ва вазифаларни қўймоқдаки, уларни зарур даражада тўлақонли ҳал қилиш ҳамда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ривожланиш манбалари, зиддиятлари, қонунлари, қонуниятларини очиш ва адекват тушуниш, олинган билимларнинг ижтимоий аҳамияти ва қадр-қимматини баҳолашга фақат иқтисодий ва фалсафий ёндашувларни биргалиқда уйғунлаштириб қўллаш йўли билан эришиш мумкин. Бу эса иқтисодиёт фани ўз асослари, хусусан, фалсафий асосларини кескин кучайтириб, ўзининг назарий, услубий, методологик таъсиранлигини сезиларли ошириб, амалий натижадорлиги, аҳамияти, ролини кўтаришини тақозо этади. Шундай иқтисодий-фалсафий интеграцион ёндашув; **биринчидан**, иқтисодий тадқиқот методологияси, услуги ва усуllibарининг антологик, гносеологик, мантикий, аксиологик, праксиологик принциплар ва ғоялар билан қувватланиб, таъсиранлигининг анча кучайишини; **иккинчидан**, тадқиқотга фалсафий принциплар, қоидалар, усуllibарнинг фаолроқ жалб этилиши ва қўлланилишини; **учинчидан**, тадқиқот предметининг янги-янги қирралари ва имкониятларини очиб, самарадорлигини оширишни таъминлаши мумкин.

Бундай ҳолат, ўз навбатида, **бир томондан**, иқтисодиёт фани фалсафий асослари ва муаммоларини янги талаблар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши, чукурроқ таҳлил қилиб, яхшироқ англашни; **иккинчи томондан**, иқтисодчиларнинг фалсафий дунёкараш, гносеология, методология ва услугуга эътиборини кучайтириш, уларнинг принциплари, қоидалари, ғояларини ўзлаштириш ва қўллаш маҳоратини оширишни талаб қиласи. Иқтисодий тадқиқотда фалсафани қўллаш маҳорати юқори натижаларга эришиш гаровидир.

Бу тадбирлар ва талаблар охир-оқибатда иқтисодиёт фани (тадқиқоти)нинг илмий-наза-

рий даражаси ва сифати, фалсафий мазмуни ва руҳини бир қадар кўтаришга ҳамда нафақат илмий кадрларнинг, балки умуман тайёрланандиган иқтисодчиларнинг назарий ва амалий савияси ва салоҳиятини оширишга хизмат

қиласи. Чунки “Иқтисодчилар ва сиёсий арбобларнинг ғоялари, улар ҳақ бўлганда ҳам, хато қилганда ҳам ўйлагандан кўра анча каттароқ аҳамиятга эга, ҳақиқатан ҳам, улар дунёни бошқарадилар” (19, с. 517).

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан намояндлари билан учрашувдаги нутқи, ЎЗА, 31.12.2016.
2. Саифназаров И. ва бошқалар. Фаннинг фалсафий масалалари. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2007.
3. Степин В.С. Философия науки. Общие проблемы. Учебник. – М.: Гардарики, 2006.
4. Лебедев С.А. Философия науки: общие проблемы. Учебное пособие. – М.: Московский университет, 2012.
5. Ракитов А.Н. Философские проблемы науки. – М.: Директ-Медиа, 2014.
6. Фалсафа асослари (Тузувчи ва маъсул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. Mamatov N., Nosirov O', Abdullayeva G. Fanning falsafiy masalalari. O'quv qo'llanma. – Т.: TMI, 2005.
8. Предеина М.Ю. Философия экономики. Учеб. пос. – Челябинск, ЮУрГУ, 2013.
9. Канке В.А. Философия экономической науки. Учебник. – М.: Инфра-М, 2010.
10. Мезенцев С.Д., Памятушева В.В. Философские проблемы экономики. Учебное пособие. – М.: МГСУ, 2015.
11. Суслов И.П. Методология экономического исследования. – М.: Экономика, 1983.
12. Болдырев И.А. Экономическая методология сегодня: краткий обзор основных направлений. Научная статья: Вопросы экономики. – М., 2010.
13. Хрусталев Ю.М. Общий курс философии. Т. 2. – М.: ГОУ ВУНМЦ МЗ РФ, 2003.
14. Митрошенков О.А. История и философия науки. – М.: Юрайт, 2018.
15. Копнин П.В. Гносеологические и логические основы науки. – М.: Мысль, 1974.
16. Фролов И.Т. и др. Введение в философию. Ч. 2. – М.: Политиздат, 1990.
17. Ҳамроев Ҳ.Р. Иқтисодий тадқиқот услуби: моҳияти, таркиби, функциялари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2011, 7-сон, 18-б.
18. Ҳамроев Ҳ.Р. Иқтисодий тадқиқот методологияси асослари. Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. – Навоий: НДПИ, 2015. – 141 б.
19. Кейнс Дж.М. Обшая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1993.



КОББ-ДУГЛАС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФУНКЦИЯСИ АСОСИДА ПОТЕНЦИАЛ ЯИМНИ БАҲОЛАШ (ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ МИСОЛИДА)

Джалилов Достонбек Абдуазизович -
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети таянч докторанти

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a28

Аннотация. Мазкур мақолада Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси асосида Ўзбекистон иқтисодиётида потенциал ЯИМ баҳоланган. Кобб-Дугласс ишлаб чиқариш функциясида капитал жамғарилиши ва ишли кучининг улуши чекланган регрессия модели бўйича аниқланди. Потенциал ЯИМни баҳолашда, ишлаб чиқариш омилларининг потенциал қиймати эса НР фильтр бўйича баҳоланиб, уларнинг потенциал қиймати бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти потенциал ЯИМ баҳоланди. Бундан ташқари, потенциал ЯИМни истеъмол нархлари индексига ифодаловчи ЯИМ четланиши баҳоланиб, унинг таъсирини истеъмол нархларига таъсири аниқланган.

Калим сўзлар: потенциал ЯИМ, ЯИМ четланиши, истеъмол нархлари индекси, капитал, чекланган регрессия модели, реал самарали алмашинув курси.

ОЦЕНКА ПОТЕНЦИАЛЬНОГО ВВП НА ОСНОВЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ФУНКЦИИ КОББА-ДУГЛАСА (НА ПРИМЕРЕ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА)

Джалилов Достонбек Абдуазизович -
Национальный университет Узбекистана имени
Мирзо Улугбека базовый докторант

Аннотация. В данной работе потенциальный ВВП в экономике Узбекистана оценивается на основе производственной функции Кобба-Дугласа. Доля накопления капитала и труда в производственной функции Кобба-Дугласа определена с помощью ограниченной регрессионной модели. При оценке потенциального ВВП потенциальный объем факторов производства оценивался с помощью фильтра НР. Кроме того, оценен разрыв ВВП, который представляет собой влияние потенциального ВВП на индекс потребительских цен.

Ключевые слова: потенциальный ВВП, разрыв ВВП, индекс потребительских цен, капитал, ограниченная регрессионная модель, реальный эффективный обменный курс.